

ҚИШ МАВСУМИ ҚАНДАЙ ҰТДИ?

(Дастлабки хулосалар)

Қиш худди баҳор, ёз, куз каби Она табиатнинг бир мўъжизаси, инсоният учун Аллоҳ томонидан берилган тенгсиз неъмат. Шунга қарамай, халқимиз “Қиш ғамини ёзда е” деган ҳикматли мақолни ижод қилгани ҳам рост. Демак, қиш фасли улуғ неъмат бўлганидек, ўзига хос қийинчиликлари, ташвишлари ҳам йўқ эмас. Шундан ота-боболаримиз азал-азалдан қиш ғамини ёздаёқ ейишиб, ўтин-кўмирини ғамлашган, сандалларининг тахталарини янгилашган, девор-томларини серсомон лой билан сувашган. Бир сўз билан айтганда, уй ичкарасига совуқ шамол, ёғин-сочин киришининг, томлардан чакка ўтишининг олдини олишган.

Шундан келиб чиқиб, аксарият томлар замонавий қурилиш материаллари билан ёпилди. Уй ичларига иситиш тармоқлари ўрнатилган. Кўп қаватли уйларда қишда тинч-осойишта яшаш учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Мана қиш ҳам охирлаб қолди, хўш, у соҳа мутахассислари олдига қандай муаммоларни қўйди. “Уй-жой коммунал хизматлари” журнали таҳририяти республикамиз коммуналчиларининг қиш мавсуми қандай ўтганлиги тўғрисида ўзига хос йўқлама ўтказди. Қуйида ана шу йўқламага келган айрим жавоблар билан танишасиз.



Розимбай СЕИТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси,
Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири:

– Қадимгиларнинг “Қишнинг кўзи кўр бўлади” деган ибораси бугунга келиб эскирди. Бугунги қишлар ҳар қандай нуқсонни бир зумда кўриб, англаб олади. Дейлик, битта кўп қаватли уйнинг томида зиғирдай ёриқ пайдо бўлса, беш қаватда ёки тўққиз қаватда истиқомат қилаётган барча аҳолининг тинчи бузилади. Бугунги мамлакатимизда аҳолининг ҳар жиҳатдан тўқис ҳаёт кечириши учун шароитлар секин-аста бўлса-да, яратилмоқда. Айниқса, кам таъминланган ва кўп болали оилалар учун қурилаётган арзон нархдаги уй-жойлар, улардаги қулайликлардан хонадонлар эгаларининг қувончлари чексиз. Коммуналчилар ана шундай кўп қаватли уйлар ва улгуржи истеъмолчиларга қиш ойларида қай даражада сифатли хизмат кўрсатишди, деган савол туғилиши табиий.

Қорақалпоғистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирилиги ҳузуридаги иссиқлик таъминоти корхоналарида фаолият юритаётган 6 та қозонхона жами 25,2 чақирим узунликдаги иссиқлик тармоқларига хизмат кўрсатади. Улардан фойдаланувчиларнинг жами сони 114 та. Шундан 89 та кўп хонадонли уй-жойлар (2 968 та хонадон) ҳамда 25 та улгуржи истеъмолчилардир. Айтиб ўтилган истеъмолчилар соатига 6,64 Гкалл миқдоридан иссиқлик

энергияси ва иссиқ сув сарфлашади. Кўриниб турибдики, бу вазифани бажариш соҳа ходимларидан катта куч ва масъулият талаб қилиши аниқ. Шу боис ҳам мухтарам Президентимизнинг 2018 йил 12 июлдаги “2018–2019 йиллар куз-қиш даврида республиканинг иқтисодиёт ижтимоий соҳаларини барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий комиссияси ҳамда Вазирлар Кенгашида доимий фаолият юритувчи штаб ташкил қилинди.

Бундан ташқари, вазирлик томонидан кўп хонадонли уй-жойларда ичимлик суви, иссиқлик таъминоти ва оқава сувлари масаласида юзага келадиган муаммоларни ўз вақтида, тезкор ҳал этилишини таъминлаш мақсадида кеча-кундуз ишлайдиган диспетчерлик хизмати йўлга қўйилди. Натижада, юқоридаги муаммолар юзасидан аҳоли 1051 рақамга сим қоқиб, буюртма бериши билан авария-диспетчерлик хизмати гуруҳлари тезкорлик билан уларни барта раф этиш имконига эга бўлдилар. Мазкур хизмат ихтиёрига 23 та транспорт воситаси, шунингдек, 135 та махсус техникалар ажратилган бўлиб, қиш мавсумини талафотсиз ҳамда сифатли ўтказиш учун барча чоралар кўрилди.

Бир сўз билан айтганда, Қорақалпоғистонда қишнинг ғами ёзда ҳал этилмоқда. Бунинг исботи сифатида айтиш мумкинки, мавсумда истеъмолчиларга етарли даражада иссиқлик энергияси ва иссиқ сув етказиб берилишини таъминлаш мақсадида иссиқлик корхоналари томонидан 2,3 км иссиқ сув ҳамда 1,9 км иссиқлик тармоқлари капитал таъмирланди. Шунингдек, 1 та қозонхона ва 4 та қозон таъмирдан чиқарилди. 1,8 км масофадаги иссиқлик тармоқлари совуқдан ҳимоя қилинди. Юқоридаги ишларнинг барчаси белгиланган режадан ошириб бажарилди. Келтирилган юмушларни амалга ошириш учун жами 476,0 млн. сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Шундан, 285,0 млн. сўм маҳаллий бюджет ҳамда 191,0 млн. сўм корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан сарфланди.

Маълумки, Президентимиз ҳудудимизга ташрифлари пайтида кўп хонадонли уйларни иситиш учун контурли қозонларни ўрнатиш мақсадга мувофиқ экани хусусида топшириқлар берган эдилар. Ўша топшириққа биноан Нукус шаҳридаги 143 та кўп қаватли уйдаги 2 866 та хонадонни иситиш учун икки контурли қозонлар ўрнатилди. Мазкур ишлар учун банкдан 5 фоизли имтиёзли кредит маблағлари олинган. Икки контурли иситиш қозонларига хизмат кўрсатувчи 3 та марказ ташкил этилди. Нукус шаҳридаги кўп қаватли уйлардаги 2 592 та хонадонга энергия тежовчи, замонавий икки контурли иситиш қозонлари ўрнатилди.

Мавжуд кўп қаватли уй-жойларни қиш мавсумига тайёрлаш мақсадида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, туман (шаҳар) ҳокимликлари, секторлар раҳбарлари, тижорат банклари билан биргаликда таъмирталаб уйлар бўйича манзилий рўйхат қилиниб, Кенгаш томонидан тасдиқлаган эди. Ана шу рўйхатга асосан 251 та уйнинг (216,8 минг кв. м) том қисми тўлалигича, 136 уйнинг томи жорий таъмирланди. Шунингдек, 1 115 та кириш йўлаклари кўлдан чиқарилди, уларнинг 914 тасига темир эшиклар ўрнатилди. 3 514,2 кв. м. ҳажмдаги дарчаларга ойна қўйилди. 345 дона электр тақсимловчи ускуналар ва 200 та уйнинг ертўла қисмидаги коммуникация тармоқлари ҳамда 306 уйнинг ташқи томони таъмирдан чиқарилди.

Журналхонларнинг эътиборини бир масалага қаратмоқчиман. Қорақалпоғистон Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига келиб тушган мурожаатларнинг 82 таси, яъни ярмидан кўпи уй-жойлар мулкдорлари ширкатлари ҳамда коммунал тўловлар масаласи ҳақида. Шундан ҳам кўриниб турибдики, уй-жой мулкдорлари ширкатлари мақомини қайта кўриб чиқиш ҳамда коммунал хизматлар учун тўловлар масаласи соҳадаги энг долзарб муаммолар сирасидан ҳисобланади. Бугунги кунда аксарият ширкатлар раҳбарлари ўз аъзолари олдида ҳисобот беришмайди. Улар томонидан ширкатнинг йиллик даромадлари ва ҳаражатлар сметаси қатъий ишланмаган. Айнан мана шу жиҳатлар аҳоли ўртасида норозиликларни келтириб чиқармоқда. Бизнингча, бундан буён ширкатларнинг йиллик даромадлари ва ҳаражатлар сметасининг шаффофлигини таъминлаш, айрим шахслар томонидан халқ маблағини талон-тарож қилишнинг олдини олиш мақсадида уй-жой ширкатларининг ҳисоботларини умумий йиғилиш ва Уй-жой коммунал хизмати кўрсатиш туман ва шаҳар бўлимлари олдида қатъий қилиб қўйиш зарур.

Юқорида айтганимиздек, тўловларнинг миқдори ва муддатларидаги номутаносибликлар сифатли коммунал хизматлар кўрсатишга тўсиқ бўлмоқда. Жумладан, белгиланган тарифга кўра, иссиқлик таъминоти хизматлари учун бир тоифадаги юридик шахслар, масалан, кўп қаватли уйлар хонадонлари мулкдорларига кўрсатиладиган хизматлар қийматининг камида 15 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш, тўлиқ ҳисоб-китобни эса ой охирида, бошқа бир тоифадаги юридик шахслар эса тўловларни 30 кун мобайнида, жисмоний шахслар эса ҳар ойнинг ўнинчи кунидан кечикмасдан ҳисоб-китоб қилишлари керак. Муаммо шундаки, амалдаги тарифда иссиқлик энергияси ва иссиқ сув ишлаб чиқариш учун



зарур табиий газ, электр энергияси ва ичимлик суви тўловларини 100 фоиз олдиндан тўлаш белгиланган. Мазкур муаммо, назаримизда, истеъмолчилар томонидан иссиқлик энергияси ва иссиқ сув учун олдиндан 100 фоиз ҳақ тўлашни йўлга қўйиш билан бартараф этилади.

Яна бир муаммо бу иссиқлик энергияси ва иссиқ сув ишлаб чиқариш таннари билан боғлиқдир. 2018 йил учун Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган декларацияга мувофиқ истеъмолчига етказиб берилган 1 Гкалл иссиқлик энергияси ва иссиқ сув учун 80,4 минг сўм қилиб белгиланган. Иссиқлик таъминоти корхоналарининг молиявий ҳисоботида кўра эса 1 Гкалл иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш учун ўртача 146,9 минг сўм сарфланади. Мазкур фарқни камайтириш ва корхоналарнинг зарар кўриб ишлашининг олдини олиш мақсадида юқоридаги тарифларни қайта кўриб чиқиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Панжи ТАНГРИЕВ, Сурхондарё вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи:

– Тўғриси айтиш керак, бизнинг соҳада баҳор ҳам, ёз ҳам бирдай масъулиятли давр. Аммо қишнинг музламалари одамни эсанкиратиб қўйиши ҳеч гап эмас. Истеъмолчилар ёзда иссиқ сув бўлмаса, совуқ сувда ҳам чайиниб кетаберишлари мумкин. Қишнинг йўриғи бошқа-да. Чилланинг аччиқ совуғида ёрилиб кетган қувурни ер остидан топиб, ямашни ёки тикилиб қолган оқава сув қувурини тозалашнинг ўзи бўладими. Айтсангиз керак, нонини егандан кейин қиласиз-да, деб. Ҳа, қиламиз, бундан буёғига ҳам нонимизни оқлаб еймиз. Сафимизда эса ўз ишининг усталари кўплаб топилади. 2-энергорайон устаси Ҳамро Ходжаев ана шундай фидойилардан. У вилоят иссиқлик етказиб бериш тизимида узоқ йиллардан бери қиш чилласининг совуғи-ю, ёзнинг жазирамасида меҳнат қилиб, аҳолининг оғирини енгил қилиб келаётган кишилардан. Бошқармамизда яна бир уста борки, уни нафақат мактаб болалари, шунингдек, уларнинг ота-оналари ҳам яхши билишади ва ҳурмат қилишади. Ўша одам 6-сонли умумтаълим мактаби қозонхона устаси Акмурат Бабаевдир.

Қаторимизда юқоридаги каби меҳнаткаш, эл таниган, ўзининг касбига меҳр қўйган инсонларнинг борлиги туфайли ҳам қишки мавсумга яхши тайёргарлик кўрдик. Режалар, рақамлар ўз йўлига. Улар ҳам керак. Аммо ўша режалаштирилган ишлар, охир-оқибат, одамлар билан битади. Шунинг учун

бошқармамизда уста-шоғирд аънасини давом эттиришга, усталаримизнинг малакаларини доимий равишда ошириб боришга қатъий риоя қиламиз. Ўзбекистон Президентининг “Республика иқтисодиёти тармоқлари ижтимоий соҳаларини 2018–2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини ҳам айнан ўша одамлар иложи борица мукамал бажаришга ҳаракат қилмоқда.

Термиз шаҳридаги “Ўзбекистон” маҳалласида жойлашган РК–6 “Ҳарбийлар шаҳарчаси” қозонхонасида таъмирлаш ишлари олиб борилиши натижасида ҳудудга қарашли 14 та кўп қаватли уйларга ҳамда 15-сонли мактабгача таълим муассасаси ва Мусиқа коллежига иссиқлик энергияси ва иссиқ сув етказиб бериш яхшиланди. Шунингдек, “Маърифат” маҳалласидаги 6-сонли ва 1-сонли умумтаълим мактабларининг локал қозонхоналари ҳам тубдан таъмирланди. Айти пайтда марказдан узоқда жойлашган посёлкалардаги кўп қаватли уйларда яшайдиган аҳолининг эҳтиёжларини ҳам унутганимиз йўқ. Жумладан, Қумқўрғон туманидаги “Ҳокимият”, Узун туманидаги “Ёш куч” қозонхоналари таъмирдан чиқарилиб, уларга қўшимча янги, замонавий қозонлар ўрнатилди.

Бу ишлар қиш мавсумини самарали яқунлаш имконини берди.

Келажакда амалга оширишни мўлжаллаган ишларимиз кўп. Улардан энг асосийлари 2019–2020 йилларга мўлжалланган “Манзилий дастур”га киритилган. Масалан, кейинги йилда РК-5 “5-кичик даҳа” қозонхонасини модернизация ва реконструкция қилишни режалаштирганмиз. Бунинг натижасида ҳудудда жойлашган 42 та кўп қаватли уйларнинг иситиш тизими яхшиланади.



Ботирали САМАТОВ,
Сирдарё вилоят Уй-жой коммунал хизмат
кўрсатиш бошқармаси бошлиғи:

– Вилоятдаги кўп қаватли уйлар қурилган жойлар бир замонлар қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган чўлу биёбон бўлган. Ҳозирги Гулистон шаҳрининг ўрнида Мирзачўл деган кичкина аҳоли пункти жойлашган эди. Орадан йиллар ўтди. Сувсизликдан қакраб ётган чўл кенг миқёсда ўзлаштирилди. Инсон пойқадами билан чўлга сон кирди. Чўл бағрида боғроғлар кўкарди. Чўл сатҳида гуллар барг ёзди, бу жойларнинг шуҳратини ёйган ўзбек пахтаси очилди...

Минг афсуски, кейинги йилларда чўлга ва чўлқуварларга эътибор анча-мунча сусайган эди. Бу ҳолатни далаларнинг шўрлашидан тортиб, Гулистон шаҳридаги бир қатор тураржой биноларининг нураб

кетганидан ҳам кўриш мумкин. Мана, икки-уч йилки, бундай салбий ҳолатлар тугатилмоқда. Одамларнинг яшаш шароитлари яхшиланиб борапти. Энг муҳими, бу жараёнлар аниқ режа асосида олиб борилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ҳудудимиздаги қишлоқларни ичимлик суви билан таъминлаш борасида мавжуд сув тармоқларини таъмирлаш, янгиларини ўтказиш устида ишлар олиб борилди.

Қиш мавсуми хусусида гап кетганда, шунини айтиш керакки, вилоят “Иссиқлик манбаи” ишлаб-чиқариш бошқармасига қарашли Гулистон шаҳридаги ягона РК-4 марказий қозонхонанинг иш фаолияти 2014 йил иситиш мавсумидан сўнг буткул тўхтатилган эди. Оқибатда, мана бир неча йилдирки, шаҳар ва шаҳар типидagi кўп қаватли уйларга иссиқлик энергияси беришнинг иложи бўлмади. Президентимизнинг 2017 йил, 20 апрелдаги “2018–2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори асосида 2018–2021 йиллар давомида вилоятдаги 1 126 та кўп қаватли уйлардаги 16 945 хонадонга замонавий энергия тежовчи индивидуал иситиш қозонларини ўрнатиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва Сирдарё вилояти хокимлигининг қарорларига биноан шу пайтгача ишламай турган “Сирдарё вилояти Иссиқлик манбаи ИЧБ га қарашли маъмурий бино, қозонхона, ёрдамчи бино ва иншоотлар Гулистон шаҳар хокимлиги балансида ўтказилди. Эндиликда, бу борада ишчи гуруҳи томонидан тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Режага кўра, 2018 йилда мавжуд 225 та кўп қаватли уйдаги 3 398 та хонадонга индивидуал иситиш қозонлари ўрнатиш кўзда тутилган эди. Бу ишлар учун тижорат банкларидан 22,5 млрд. сўм миқдоридa кредит маблағлари ажратилиб, Гулистон шаҳрида 856 та, Янгиер шаҳрида 603 та, Ширин шаҳрида 61 та, Гулистон туманида 46 та, Оқолтин туманида 452 та, Сардоба туманида 452 та, Сирдарё туманида 302 та, Ховос туманида 452 та индивидуал иситиш қозонлари ўрнатилди.

2018 йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, юқорида режалаштирилган иситиш қозонларининг 275 таси ўрнатилиб ишга туширилди. Бундан ташқари, иси-





тиш қозонлари ўрнатиш бўйича қўшимча уйларнинг манзилли рўйхатлари тузиб чиқилди ва “Хайрутдинов Румиль Рустамович” хусусий корхонаси билан кўп қаватли уйлардаги хонадонларга бир контурли иситиш қозонларини ўрнатиш бўйича шартнома тузилиб, ишлар охирига етказилди.

1 дона иситиш қозони горелкаси билан – 1 300,0 минг сўм;

4 дона регистр ўрнатиш – 600,0 минг сўм;

1 дона қозон ўрнатиш – 300,0 минг сўм;

Материаллар харажати – 1 950,0 минг сўм;

Бир хонадонга кетадиган жами харажат – 4 150,0 минг сўм.

Вилоятдаги кўп қаватли уйларнинг хонадонларига икки контурли иситиш қозонлари ўрнатиш устида ҳам иш олиб борилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, бу турдаги қозонларни ўрнатишга жами 10,5 млн. сўм керак бўлади. Шунингдек, табиий газ етиб бориши қийин бўлган ҳудудлардаги кўп хонадонли уйларни иссиқлик билан таъминлаш мақсадида “Ўзиссиқлик” (“Ўзтепло”) ишлаб чиқариш корхонаси билан шартнома тузилди. Бундан буён мазкур уйларни электр энергияси билан ишлайдиган печлар ёрдамида иситиш таъминланди. Бир дона электр иситгич 12 кв. м ҳажмдаги хонани иситади. Бир оилага камида 3 дона иситгич зарур бўлади. 1 дона электр иситгичнинг нархи 450,0 минг сўм.

Кўп қаватли уйларни иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш мақсадида Ширин шаҳридаги “Иссиқлик манбаи” ишлаб чиқариш корхонасига тегишли иссиқлик тизими вилоят ҳокимининг қарори билан 2007 йилда “Сирдарё ИЭС” акционерлик жамияти тасарруфига ўтказилган эди. Ҳозирда Ширин шаҳридаги 72 та кўп қаватли уйлардаги хонадонларни ва 6 та ижтимоий соҳа объектларини “Сирдарё ИЭС” АЖ орқали 2019 йил давомида локал иситиш тизимига ўтказилган. Бунинг учун 23,6 км масофада, шундан 11,0 км магистраль ҳамда 12,6 км масофада ички тармоқлар қурилди.

Баҳром ЮЛДАШЕВ,

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш

вазирлиги Иссиқлик таъминоти

бошқармасининг етакчи матахассиси:

– Мамлакатимизда қиш мавсумининг боришини вазирлик қошидаги штаб назорат қилиб турди. Штабдаги телефонлар, компьютерларнинг почталари, телеграмм орқали келаётган маълумотлар қиш

мавсуми қандай ўтаётганидан хабар бериб турди. Албатта, улар орасида шикоятлар, аризалар ҳам анчагина. Масалан, яқинда Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Оққўрғон кўчаси, 1-берк, 11-уй, 20-хонадонда яшовчи фуқаро Л.Можаева ўзи яшайдиган уйда ичимлик суви тўхтаб қолганидан шикоят қилди. Айтилган манзилга борган тезкор таъмир бригадаси ёрилиб кетган қувурни ўнглаб, хонадонларга ичимлик суви узлуксиз етказиб берилишини таъминлади. Вазирлик штабига келиб тушган 4 359 та мурожаатнинг 54,3 фоизи қаноатлантирилган, қолганларига тушунтирилди ёки рад этилган, 2,3 фоизи қўриб чиқилмоқда ёки такрорий мурожаатлардир.

Республика бўйича кўп қаватли уй-жойларни қиш мавсумига тайёрлаш Дастурига киритилган 7 657 та уйнинг барчаси жорий ва мукамал таъмирдан чиқарилди. Республика бўйича 3,09 млн. кв. м дан ортиқ томлар, 4 221 та уйнинг ички муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари мукамал ва жорий таъмирланди. Бундан ташқари минглаб йўлаклар таъмирланиб, уларга темир эшиклар ўрнатилди. Кўп хонадонли уйларга туташ ҳудудларда юзлаб болалар майдончалари барпо этилди ёки борлари қайтадан жиҳозланди. Дастурга асосан 7 та марказий, 3 та локал қозонхона ва 32 та қозонда мукамал ҳамда 70 та марказий, 40 та локал қозонхона ва 831 та қозонда жорий таъмирлаш ишлари ўтказилди, шунингдек, 45,7 км. иссиқлик тармоқлари мукамал, 51 та марказий қозонхоналар, шунингдек, кўплаб локал қозонхоналар, иссиқлик тармоқлари капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди.

Албатта, юқорида амалга оширилган ва бундан кейин қилинадиган ишлар катта маблағ талаб қилади. Биргина 7 761 та хонадонга ички иситиш қозонлари ўрнатиш учун 14,7 млрд. сўм имтиёзли кредитлар олинди. Жорий йилда ҳудудлардаги кўп қаватли уй-жой фондиди таъмирлаш учун тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига 418,4 млрд. сўм миқдорида кредит ажратилиб, бугунгача 300,7 млрд. сўм ўзлаштирилди. Айтиш керакки, вазирлик томонидан жойлардаги ширкатларнинг иш фаолиятларини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда.

ТАҲРИРИЯТДАН: Маълумки, тўйнинг камчилиги кўп бўлади. Бунинг тўй ўтказган одам яхши билади. Ҳатто тўй кунига бир кун қолганда ҳам ўша камчилик битай демайди. Шунда тўй эгасининг яқинлари “қўпам куюнма, тўй кўпчиликники, айтганларинг қандай битганини ўзинг билмай ҳам қоласан”, деб уни юпатишади ва шундай ҳам бўлади... Йўқламага келган жавоблардан кўриниб турибдики, жойларда қиш мавсумига тайёргарлик ҳам, уни ўтказиш ҳам қизғин ўтганлигини кўрсатади.

Ўтиб бораётган қиш мавсумини чуқур таҳлил қилиш ва шу жараёнда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш ҳамда тегишли хулосалар чиқариш соҳа мутахассислари учун энг долзарб вазифаларидан бири эканлигини унутмаслигимиз керак.

Йўқламани Ё. ХЎЖАМБЕРДИЕВ олиб борди.